# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 50 (9.547) 2001 йил 30 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалласида туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари, «Астробод коммуналчи», «Қурувчи коммунал» ва «Астрободлик» ширкатлари раҳбарлари иштирокида коммунал тўловлар борасидаги масалаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

❐ **ПОЙТАХТИМИЗДА** шаҳарга кириш-чиқиш ва фуқаролик бошқармаси биноси очилишига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.

❐ **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ўқитувчилару ўқувчилар иштирокида олий ўқув юртларига кириш учун тест имтиҳонлари дастурини компьютерда топшириш синов маросими ўтказилди.

❐ **ЎТГАН** кундан бошлаб Япония — Ўзбекистон мамлакатлари бўйлаб «Тошкент—Осака» шаҳарлари йўналиши бўйича самолёт қатнай бошлади.

❐ **ҲАМЗА** номидаги мусиқа билим юрти ўқитувчилари томонидан ўтган куни ўқувчиларга ўтказилган очиқ дарс «Конституцияни ўрганамиз» деб номланди.

❐ **ЁШ** рассом Анвар Шодиевнинг ўтган куни санъат ихлосмандларига намойиш этган «Ўзбекистон — Ватаним маним!» деб номланган асарлари кўргазмаси юртимиз истиқлолининг 10 йиллигига бағишланади.

❐ **АМАЛИЙ** санъат музейида истеъдодли рассом Алишер Раҳимовнинг «Авлоддан авлодга» деб номланган кўргазмаси намойиш этилди. Ундаги асарларда тарихий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаган аждодларимизнинг сиймолари ва хайрли ишлари акс этган.

❐ **ЎТГАН** куни ўзбек миллий эстрадаси асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 65 йиллигига бағишлаб, машҳур санъаткорнинг «Арабча танго» қўшиғи асосида спектакль тайёрланди. Уни Тошкент Давлат оперетта театри ижодий жамоаси мусиқа шинавандалари эътиборига ҳавола этди.

**ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ**

## Тошкент-Берлин: АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон ва Германия пойтахтларини мустаҳкам ва сермаҳсул муносабатлар бир-бири билан боғлаб турибди. Унга 1993 йили Тошкент ва Берлин мэрларининг шериклик алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотлари пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.**

Бу борадаги навбатдаги қадам 1996 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Э.Дипген томонидан икки пойтахт шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўлди. Ушбу битим шаҳарларни ривожлантириш, бунёдкорлик, иқтисодиётни юксалтиришга мадад бериш юзасидан аниқ тадбирларни ўтказишни кўзда тутади.

Ана шу битим доирасида мунтазам равишда йирик панелли уй-жой қурилишларига эга бўлган туманларни таъмирлаш ва модернизациялаш, капитал қурилиши бошқаруви тизимини, коммунал тармоғи ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга бағишланган семинар ва конференциялар ўтказиб келинмоқда.

Гёте институти Тошкент ва Берлин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тараққиётига сезиларли улуш қўшмоқда.

**ЭРТАГА**

ана шу институт ташаббуси билан республика «Ўзкўргазмасавдомарказ» савдо ярмаркалари марказида «Берлин — Тошкент: архитектура ва шаҳарсозлик» мавзуида кўргазма-семинар очилади. У 14 майгача давом этади. Гёте институти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Карвон бозор» акциядорлик жамияти ана шу тадбирнинг асосий ҳомийларидир.

Баҳс-мунозаралар чоғида йирик панелли қурилишлар санацияси, атроф-муҳит ҳудудини ободонлаштириш, шаҳар муҳандислик -коммунал инфратузилмасини янгилаш сингари масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашишлар режалаштирилмоқда. Немис шаҳарсозларининг Берлин девори қулаганидан сўнг тўплаган ютуқлари ва Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўзбек меъморларининг тажрибалари мавзуи бўлимларда ўзининг тўла ифодасини топади. Шунингдек кўп жиҳатли шаҳар тизимини янада ривожлантириш соҳасидаги аниқ лойиҳалар ҳам қўйилади. Бундай кўргазма-семинарнинг ўтказилиши Тошкент ва Берлин лойиҳачилари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва фикр айирбошлашларни мустаҳкамлашга, муниципал қурилиш соҳасида илғор тажрибаларни қабул қилишга ёрдам беради.

**(Ўз мухбиримиз)**





## Осиё чемпионатида янги номлар кашф этилди

**Икки кун давомида шаҳримиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида кураш бўйича дастлабки Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Халқаро кураш ассоциациясининг тасарруфи остида, Осиё кураш конфедерацияси ва Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси ташкилотчилигида ўтказилган ушбу тарихий биринчиликда ўн тўрт мамлакатдан ташриф буюрган элликдан ортиқ полвон Осиёнинг биринчи чемпионларидек фахрий номга сазовор бўлиш мақсадида ғалаба учун кураш олиб боришди.**

Чемпионат бошланиши олдидан Осиё кураш конфедерацияси Конгрессининг ўтказилиши айниқса қувончли воқеа бўлди. Унда келажакда курашни қитъада ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, 2005 йилгача бўлган режалар белгилаб олинди.

Чемпионатнинг очилиши ҳам улкан спорт байрамига айланиб кетди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов, Халқаро кураш ассоциациясининг президенти Комилжон Юсупов, Осиё кураш конфедерациясининг президенти Жагдиш Татлер, Эрон давлатининг спорт ишлари вазири, Халқаро олимпия қўмитасининг аъзоси Саид Мустафо Ҳошимий Табалар минг йиллар давомида миллий ва маънавий қадриятларимизнинг тимсоли сифатида юртимизда шаклланган курашнинг қисқа фурсатда кўплаб мамлакатларга кириб бораётгани ва жаҳон халқлари спорт ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

Ишқибозлар олқишлари остида гиламда энг ёш полвон болалар ва қизлар кўргазмали чиқишлар орқали ўз маҳоратларини кўрсатишди. Энг кекса курашчиларнинг чиқишларию ўзбек кураши қонун-қоидаларининг муаллифи Комилжон Юсупов ҳамда мамлакат ёшлар терма жамоаси мураббийси Мурод Дўсимбетовларнинг кураш усулларини кўргазмали намойиш этишлари ҳам очилиш маросимига ўзгача файз бахш этди.

Биринчи куни гиламга 73, 81 ва 90 килограммгача вазндаги полвонлар чиқишди. Бунда энг енгил вазнда мўғулистонлик Дамдинг Сулдбаяр, 81 килограммгача курашчилар ўртасида ўзбекистонлик Фарҳод Тўраев ва кейинги вазнда Тожикистон вакили Алишер Боқиевларга олтин нишонлар насиб этди. Гарчи эронлик икки спортчи Голам Реза Сезегар ва Али Реза Санейлар финалга чиққан бўлса-да ҳал қилувчи беллашувларда улардан омад юз ўгирди. 90 килограммгача вазнда яна бир ҳамюртимиз Файзи Очилов учинчи ўрин билан кифояланди.

**КЕЧА**

мутлақ вазн тоифасидаги полвонлар ва 63 килограммгача бўлган аёллар гиламга тушишди. Бунда ҳамюртимиз Шуҳрат Хўжаев барча рақибларини ҳалол усулида енгиб финалга чиққан бўлса, мусобақанинг энг оғир вазнли қатнашчиси — 140 килограммлик яна бир ўзбекистонлик курашчи Шуҳрат Аллақулиев ҳам ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олди. Ушбу вазнда Шуҳрат Хўжаев ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам жуда қизиқарли кечди. Бунда ўзбекистонлик Юлдуз Шагидуллаева ҳамда туркманистонлик жуда кучли спортчи — ўтган йили Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш нишони соҳиби Олеся Назаренколар дастлабки сониялардаёқ барча рақиблари устидан соф ғалабалар қозониб финалга етиб келишди. Финалда Назаренконинг тажрибаси қўл келиб Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Энг муҳими, Осиё чемпионати давомида Дамдинг Сулдбаяр, Алишер Боқиев, Юлдуз Шагидуллаева каби янги номлар кашф этилди.

Барча ғолиб ва совриндорлар олтин, кумуш, бронза нишонлари, чемпионатнинг махсус совринлари, зар чопонлар билан тақдирланди. Шунингдек, мусобақа сўнггида жаҳонда ўзбек курашини ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун юртбошимиз Ислом Каримовга Осиё кураш конфедерацияси томонидан ажратилган махсус соврин ХКА президенти К. Юсуповга топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***СУРАТЛАРДА:* Осиё чемпионатининг ҳал қилувчи беллашувлари ва ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.**

***Сергей Любчич олган суратлар.***

**«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ**

## МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛДИ

**БУГУН**

**Жиззах шаҳрида ва вилоят туманларида ўрта махсус касб-ҳунар тизимидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида илк бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бошланди. Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган еттита энг оммавий спорт турлари бўйича беллашувлар олти кун давомида Жиззах шаҳри ва Ғаллаорол, Бахмал, Пахтакор туманларидаги замонавий спорт иншоотларида бўлиб ўтади.**

Шуни айтиш керакки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқи бўлмиш бундай мусобақалар соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, юртимиз ёшларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, қолаверса юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилаётган мактаб—коллеж—институт узлуксиз тизимининг ажралмас қисмидир. Зеро, ҳозирда умумтаълим мактабларининг 1-9 синфлари ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари» мусобақалари, ўрта махсус касб-ҳунар тизимида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида эса универсиадалар ташкил этилмоқда.

Жиззахда ўқув юртлариаро ва вилоятлараро ўтказилган дастлабки босқичларнинг ғолиблари бўлмиш икки мингга яқин энг маҳоратли ёшлар финал беллашувларида ўз куч-маҳоратларини намойиш этишади. «Баркамол авлод» спорт ўйинларига шаҳримиз жамоаси ҳам муносиб тайёргарлик кўрди.

— Шаҳримизда ўрта махсус касб-ҳунар тизимида 121 та коллеж ва лицейлар бўлса, шулардан 110 таси биринчи ва иккинчи босқич баҳсларида иштирок этди, — дейди пойтахт ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Набидулла Маллабоев. — Натижада энг кучли ўқувчилар саралаб олиниб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар негизидаги спорт иншоотларида бир ой давомида ўқув-машқ йиғинларини ўтказишиб «Баркамол авлод» мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўришди. Хусусан, сузиш бўйича — қурилиш-миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, курашга — Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, баскетболга — алоқа коллежи, енгил атлетика мусобақаларига — авиасозлик касб-ҳунар коллежида, теннис бўйича эса Бобур маданият ва истироҳат боғидаги теннис кортларида тайёргарлик босқичлари ўтди. Жиззахда шаҳримизнинг 122 нафар талаба ёшлари еттита тур бўйича ғалаба учун кураш олиб боришади.

**КЕЧА**

Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш маркази ноёб қурилмасидаги қуёш тафтидан ҳосил қилинган деярли уч минг даражадаги иссиқлик ҳарорати орқали ёқилган мусобақа машъаласи қатнашчилар иштирокида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан тайёрланган махсус оловдон орқали пойтахтга келтирилди. Сўнг Сирдарё вилояти орқали

**БУГУН**

Жиззахга олиб келинди ва «Баркамол авлод» мусобақалари бошланди. Ғолиблар 5 май куни аниқланади.

**Дилшод ИСМОИЛ**

**ТЕННИС**

## «Ибрат» баҳслари якунланди



**Мамлакатимизда ҳаммабоп спорт тури бўлган теннисниг кенг қулоч ёзиб аҳоли саломатлигини тиклашда муҳим омил бўлаётгани барчага аён. Бунда ҳаваскорлар ўртасида ўтказилиб турадиган кўплаб мусобақаларнинг аҳамияти айниқса каттадир.**

**КЕЧА**

шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида яна бир анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. Тошкент шаҳридаги раҳбар ходимлар ўртасида ўтказилган «Ибрат» мусобақасида соғлом турмуш тарзини ўз ҳаёт тамойилига айлантирган кўпгина иштирокчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Қуръа ташлаш маросимидан кейин жуфтликларга бўлинган қатнашчилар тўртта гуруҳдан ўрин олиб баҳсларни бошлаб юборишди.

Дарҳақиқат, «Ибрат» беллашувлари аксарият ҳолларда ниҳоятда қизиқарли кечди. Зеро, қатнашчиларнинг кўпчилиги маҳорат бобида деярли тенг эди.

Шу тахлит гуруҳдаги барча рақибларини, шунингдек ярим финал беллашувларини ютган Яккасарой тумани ҳокими А.Мирқосимов — маҳаллий саноат концерни раиси А.Алиев ҳамда 159-трест ҲЖ бошқаруви раиси Р.Сафариев — Бошқурилиш ҲЖ бошқаруви раиси Р.Аҳадовлар финалга чиқишди. Ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ушбу беллашувда 6/3 ҳисобида Р.Сафариев — Р.Аҳадовларнинг қўллари баланд келиб «Ибрат» турнирининг ғолиблари бўлишди.

Барча ғолиб ва совриндорларга Ўзбекистон теннис федерациясининг бош котиби И.Шепелев, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Эрназаровлар қимматбаҳо совғалар топширишди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

***СУРАТЛАРДА:* беллашувлардан лавҳалар.**

***Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.***



## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон пойтахтида Авиация ва ҳаво йўлларидан фойдаланиш бўйича кенгашнинг йигирманчи сессияси бўлиб ўтди. Унда янги намунадаги авиация техникасини яратиш ва серияли ишлаб чиқариш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси томонидан уюштирилган фотокўргазма «Ўзбекистон: мустақил тараққиётнинг 10 йили» мавзуига бағишланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида таниқли немис мусаввири Томас Бартелнинг «Заратуштра айтган эди» туркум асарлари ва Германия фоторассомлари кўргазмаси очилди.

● Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ЮНЕСКОнинг байналмилал рақс қўмитаси аъзолигига қабул қилинди.

● Марказий Офицерлар уйида «Ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида икки кунлик илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Республика Бадиий академияси билан биргаликда ташкил этган «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуидаги кўргазмада республикамиз бўйича 200 дан ортиқ плакатчи, дизайнер ва мусаввирлар ўз асарлари билан қатнашдилар.

● Хоразм вилоятидаги «Хива сополи» акциядорлик жамиятида 50 турдаги ўзига хос эсдалик совғаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида катта ашула ва лапар ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Наманганлик бир гуруҳ тиббиёт ходимлари Москванинг Склифосовский номидаги илмий-тадқиқот институти ва Санкт-Петербургнинг Жанилидзе номидаги Тез ёрдам илмий-тадқиқот институтига тажриба алмашиш учун жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг биринчи босқичи натижалари бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎММИ ва Наманган Давлат университети ҳамкорлигида «Магистратура: тажриба ва муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Бердақ номли театр биносида халқ таълими ходимларининг ҳудудий анжумани ўтказилди.

● Республика миқёсидаги «Дизайн, тарғибот, ташвиқот ва архитектура — 2000» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда нафақат юқори мутахассисликка эга бўлган кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш тўғрисидаги янги режа ва ривожланиш концепцияларини тайёрлаш, шу билан бирга, халқаро миқёсдаги янги муаммолар билан боғлиқ дизайн ва архитектура ҳамда реклама соҳаси ғояларни синтез қилиш масалалари ҳам кўтарилди.

● Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб миллий театр санъати кунларини ўтказмоқда. «Илҳомимиз, ижодимиз сенга бахшида, она-Ватан!» шиори остида ўтаётган бу тадбир Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри иштирокида Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари бўйлаб ўтказилмоқда.

### Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби бўйича тайёрланган ҳужжатли фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **Бугун** «Союз-ТМ» фазовий кемаси бортида биринчи фазовий сайёҳ Тито бўлган Халқаро фазовий станцияси билан туташтирилади.

● Покистон ҳарбий маъмурияти раҳбари генерал Парвез Мушарраф ўз давлатининг Ҳиндистон билан қуролланиш пойгаси ўйнашидан манфаатдор эмаслигини билдирди.

● «Форбс» журнали ўз мақоласида ер шарининг энг бадавлат кишиси Б. Гейтс эканлигини яна бир бор қайд этди.

● Россиянинг Воронеж шаҳрида америкалик Жорж Тоббин устидан суд жараёни бошланди. У гиёванд моддасини сақлашда, шунингдек бошқаларни ҳам гиёвандликка ундашда айбланяпти.

● Токио электр поездларида энди ҳар куни кечки пайт аёллар учун махсус вагонлар ажратилади. «Кэйо дэнтэцу» транспорт компанияси раҳбарияти шу йўл билан аёлларни маст-аласт эркакларнинг шилқимлигидан ҳимоя қилмоқчи бўлишмоқда.

● Испания ички ишлар вазирлиги намояндалари Россиянинг «Медиа-Мост» холдинг компанияси раҳбари Владимир Гусинскийни яна ҳибсга олиш ҳақида кўрсатма олди. Бундан бир муддат олдин Испания суди В. Гусинскийни айбсиз топиб, уни озодликка чиқарган эди. Бироқ мазкур қарор Россия прокуратурасини қониқтирмади.

● Белград минтақавий суди Югославия собиқ Президенти Слободан Милошевични ҳибсда ушлаб туриш муддатини яна икки ойга чўзди.

